



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2024

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлоқ
хужалиғини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжасва Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далам педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети


Page Maker | Верстка | Са, ифаловчи: @tadqiqotdesign

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Чу Бей Бей ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА МАДАНИЙ-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЎРНИ.....	4
2. Yoo In Young ILK O'RTA ASRLARDA MARKAZIY OSIYO XALQLARINING SILLA QIROLLIGI BILAN IQTISODIY VA MADANIY ALOQALARI.....	9
3. Umurzok Alibekov USTRUSHONA DENQONCHILIK MADANIYATI TADRIJIY TARAQQIYOTIDA ARXAIK DENQONCHILIK AN'ANALARINING O'RNI.....	14
4. Нилуфар Джураева ЖАДИДЧИЛИК: МИЛЛИЙ МАОРИФ ТИЗИМИГА АЁЛЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАСИ.....	23
5. Обиджан Мадаминов ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ.....	31
6. Моҳира Матназарова ҚАДИМГИ ХОРАЗМ КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ.....	36
7. Сапарбой Наврузов АКАДЕМИК РАССОМ ДМИТРИЕВ КАВКАЗСКИЙНИНГ ХИВА ТААССУРОТЛАРИ.....	41
8. Ismoil Nurmetov XX ASRNING 20-30 YILLARIDA O'ZBEKISTONDA HUQUQ-TARTIBOT ORGANLARI FAOLIYATI (Xorazm viloyati misolida).....	50
9. Севара Пулатова МАДАНИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА.....	56
10. Sardor Umarov BIRLASHGAN GERMANIYA: IJTIMOIY-IQTISODIY MUAMMOLAR.....	62
11. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ СЎҒДНИНГ МИНТАҚАВИЙ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.....	69
12. Одил Эргашев ҚОПЧИҒОЙ УСТАХОНАСИ МУСТЪЕ ДАВРИ КОМПЛЕКСИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХОСЛИГИ ҲАҚИДА.....	76



Одил Эргашев,
Фалсафа доктори (PhD), доцент
Самарқанд давлат университети,
odil.arxeolog@mail.ru

ҚОПЧИҒОЙ УСТАХОНАСИ МУСТЪЕ ДАВРИ КОМПЛЕКСИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХОСЛИГИ ҲАҚИДА

For citation: Odil Ergashev. ABOUT THE CULTURAL AND PERIODIC CHARACTERISTICS OF THE MOUSTERIAN PERIOD COMPLEX OF THE KOPCHIGOY WORKSHOP. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 2, pp.76-81

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10643353>

АННОТАЦИЯ

Фарғона водийси Ўрта Осиё тош даврининг чакмоқтошга ишлов бериш устахоналарини ўрганишда муҳим ўрин тутди. 20-асрнинг 60-70-йилларида Олой тоғ тизмасининг Дангидарё дарасидан палеолит даврига оид устахона – Қопчиғой топиб ўрганилди. Бу ерда чакмоқтошлар очик усулда хомашё қазиб олиниб, тош қуроллар ясалган. Қопчиғой этакларида ўрта ва сўнгги палеолит даврига оид кўплаб тош ашёлар тўпланган. Ушбу мақола Қопчиғой тош даври устахонасининг хронологияси ва маданий мансублигини аниқлашга бағишланган. Ишда олинган хулосалар замонавий тадқиқот усуллари ва инновацион ёндашувлар ёрдамида амалга оширилди.

Калит сўзлар: тошга ишлов бериш устахоналари, Қопчиғой, Мусте, сўнгги палеолит, технологик мажмуалар, маданий-хронологик талқин, ўзаклар, тош қуроллар.

Одил Эргашев,
Доктор философии (PhD), доцент
Самарқандский государственный университет,
odil.arxeolog@mail.ru

О КУЛЬТУРНО-ХРОНОЛОГИЧЕСКИЙ ПРИНАДЛЕЖНОСТИ МУСТЪЕРСКОГО КОМПЛЕКСА КАПЧИГАЙСКОЙ МАСТЕРСКОЙ

АННОТАЦИЯ

Ферганская долина занимает важное место в изучении кремнеобрабатывающих мастерских каменного века Средней Азии. В 60-70-годы XX столетия внутри Дангидарьинского ущелья Алайского горного хребта была найдена и изучена палеолитическая мастерская - Капчигай. Здесь у выходов кремня добыча сырья осуществлялись открытым способом и изготовлялись каменные орудия. В подножьях Капчигая была собрана многочисленные каменные изделия эпохи среднего и позднего палеолита. Данная статья посвящается к определению культурной принадлежности

Капчигайской кремнеобрабатывающей мастерской. Заключение, полученные в работе, осуществлялись с использованием современных методик исследования и инновационных подходов.

Ключевые слова: камнеобрабатывающие мастерские, Капчигай, мустье, поздний палеолит, технокомплексы, культурно-хронологическая интерпретация, нуклеусы, каменные орудия.

Odil Ergashev,
Doctor of philosophy (PhD)
Samarkand State University,
odil.arxeolog@mail.ru

ABOUT THE CULTURAL AND PERIODIC CHARACTERISTICS OF THE MOUSTERIAN PERIOD COMPLEX OF THE KOPCHIGOY WORKSHOP

ABSTRACT

The Ferghana Valley occupies an important place in the study of Stone Age workshops in Central Asia. In the 60-70th of the last century, a Paleolithic Kopchigay was discovered and studied in the depths of Dangidara, which belongs to the Olay range. Raw materials were extracted from the silica deposits here in an open way and stone weapons were made. Many Mousterian and stone products of the Late Paleolithic period were collected from the foothills of Kopchigay. This article will focus on the cultural identity of the stone-cutting workshops of the Kopchigay workshop. The conclusions were made using modern methods and a new approach to writing the article.

Index Terms: Flint-working workshops, Kopchigay, Mousterian, Late Paleolithic, technocomplexes, cultural epoch, interpretation, cores, stone weapons

1. Долзарблиги:

Жаҳон тарихининг ажралмас қисми бўлган тош даври тошга ишлов бериш устахоналари дунёнинг қатор етакчи илмий марказларининг асосий тадқиқот мавзуларидан бири ҳисобланади. Маълумки, тош даври тарихини ўрганишда ўтмишимиздан далолат берувчи асосий ахборот манбаи бу одамлар томонидан ишлов берилган тош буюмлар ҳисобланади. Ушбу артефактлар биздан минглаб йиллар қадимда яшаган аجدларимизнинг ҳаёти ҳақида муҳим маълумотларни беради. Тош даврида мужассамлашган меҳнат қуроллари ва уларнинг такомиллашиб бориши узоқ ўтмишдаги ибтидоий одамларнинг турмуш тарзи, ҳўжалиги ва технологик ривожланиш жараёнларини қандай юз берганлиги масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Ўрта Осиё ҳудуди тош даври устахоналарини ўрганишда Фарғона водийси ўз ўрнига эга минтақалар сарасига қиради. Тадқиқот объекти сифатида танланган Қопчиғой тошга ишлов бериш устахоналари тош ашёлари мажмуасини замонавий технологик ва техник-типологик усулларда тадқиқ қилиш бугунги кун тош даври тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ўрта Осиёда тошга ишлов бериш устахоналарини ўрганиш ишлари 1956 йилда П.Т. Конопля томонидан Фарғона шаҳридан 40 км жануброқда жойлашган Данғидарадаги Қопчиғой устахонасининг очилиши билан бошланган [3]. 1958-1959 йилларда ёдгорлик ЎзР ФА Тарих ва Археология Институтининг А. П. Окладников бошчилигидаги гуруҳи томонидан ўрганилган [6].

Маълум бўлишича, бу ердаги Қопчиғой тепалигининг ғарбий ва жанубий этакларида кўплаб кремний бўлақлари орасида кўп сонли тош буюмлар сочилиб ётарди. Бу ердаги кремний конларидан очиқ усул ёрдамида хом-ашё синдириб олинган ва тош қуроллар ясалган. Қопчиғой этакларидан кўплаб мустье ва сўнгги палеолит даврига оид тош буюмлар йиғиб олинди. А.П. Окладниковнинг таъкидлашича, “мустье даври учун ушбу ёдгорлик бутун МДХ ҳудудларида ибтидоий одамларнинг ишлаб чиқариш фаолияти маҳсули бўлган

ягона манба ҳисобланади” [7] Ушбу устахона таснифга кўра том маънодаги устахоналар туркумига кирази [11].

1964 йилда юқорида тилга олинган гуруҳ Фарғона водийсида археологик тадқиқот ишларини давом эттирди. Асосий вазифа Қопчиғой устахонасини янада синчиклаб ўрганиш ва бошқа янги ёдгорликларни қидириб топишдан иборат эди. Натижада, Қопчиғой устахонасининг шимолий этакларида қора рангли кремний конлари борлиги ва бу ерда палеолит даври одамларининг хом-ашёни бирламчи ишлов бериш орқали қўлга киритган устахона бўлганлиги аниқланди. Ундан биров юқорида, Холкомайн сойи бўйлаб бир нечта ғорлар топилди ва ушбу ғорлардан бирида (Қопчиғой 1 ғори) мустье даври маданияти қолдиқлари аниқланди. Мустье даврига оид топилмажойлар Фарғона шаҳри атрофидаги адирликларда ва Сўх дарёси бўйларидан ҳам топилди [2].

3. Тадқиқот натижалари:

Маълумки, технокомплексларнинг маданий-даврий талқини кўп жиҳатдан улардаги алоҳида олинган тош буюмларнинг тўғри тасниф қилинишига боғлиқдир. Ўтган асрдаги техник-типологик услубларнинг эскирганлиги ва палеолит даври индустриялари моҳиятини тўлиқ очиб бера олмаслиги сабабли, Қопчиғой устахонаси тош буюмларини таснифлашда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Ушбу мақола 1958-1959 ва 1964 йилларда Қопчиғой устахонасидан йиғиб олинган ва М.Р. Қосимов томонидан “Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии” [2] номли монографиясида батафсил тадқиқ қилинган мустье даврига оид комплекснинг маданий-даврий хослиги масалалари палеолитшуносликнинг замонавий услублари нуқтаи-назаридан янгича талқинига бағишланган. Натижада, ушбу комплекснинг маданий-даврий талқини борасида янгича қарашлар илгари сурилади.

Қопчиғой устахонаси Чотқол тизмалари этакларидаги Ангрен устахоналаридан 250-300 км жанубий-шарқда ва Қоратов устахоналаридан 600-800 км шарқроқда жойлашган.

Табиий-географик шароитларига кўра, Қопчиғой устахонаси жойлашган Фарғона водийси деярли барча томондан, шимолий-ғарбда Чотқол, Қурама, шимолий-шарқда Фарғона ва жанубда эса Олой ҳамда Туркистон тоғ тизмалари билан ўралган ёпиқ тоғли ботикда жойлашган. Бу ерда фақат биргина тор йўлак ғарбда ботикнинг тоғли занжирини узиб, шу ердан Сирдарё дарёси Фарғона водийсидан оқиб чиқади ва Ялангчўл (Голодностеп) кенгликларига қараб йўналади Фарғона водийсининг ландшафтида ғарбдан шарққа қараб чўзилган Олой тизмаси водийни ўраб турган энг йирик тоғ тизмаси ҳисобланади [4]. Унинг улкан музлик ва қорлари Сўх ва Шохимардон тоғлари водийсининг муҳим ерларини сув билан таъминлайди. Водийга оқиб кирадиган дарёлар ҳар иккала соҳилларида чуқур каньонларга ўхшаш тизмаларни ҳосил қилади. Бу ердаги чуқур ва тармоқли дараларда карстли ва очик ғорлар ҳамда харсанг айвонлар учрайди. Улар дарахтзорлар, бутазорлар ва мевали дарахтлар билан қопланган.

Олой тоғларининг шимолий этакларида жойлашган Данғи ана шундай даралардан бири ҳисобланади. Бу дарадан Холкомайн дарёси оқиб ўтади. Данғи дараси бир неча ўнлаб чақирим масофага чўзилган ва у водийга чиқиш жойида анча кенгайди. Дарадаги йўл бўйлаб юқорига кўтарилиш жуда қулай бўлган. Ундан шимолроқда тоғлар билан ўралган водий бошланади. Тоғнинг энг тепасида қора рангли кремнийларнинг конлари ёки қоялари мавжуд. Ушбу моноклитлар ёрилиб плиткасмон майда бўлақларга парчаланиб кетган. Бу кремний қояларнинг пайдо бўлиши, тошқўмир даврига тўғри келади ва улар табиий таъсирлар туфайли ўзгаришларга учраган [2]. Кремний олиш ва унга ишлов бериш учун энг қулай жой - Қопчиғой тоғи чўққисига яқин жойдаги текис майдон ҳисобланган. Бундай текис жойлар унинг тоғ ён бағирларида ҳам учрайди. Айнан, ана шундай жойларда палеолит даври одамлари кремнийни очик усул билан қўлга киритганлар ва унга ишлов берганлар.

Таъкидлаш жоизки, Қопчиғой тоғининг жануби ғарбий ён бағрида булоқ бўлиб, у афтидан, қадимда ҳам ҳукм сурган ва қопчиғойлик усталарни сув билан таъминлаган.

Қопчиғойнинг мустье даврига оид тош буюмлар тўплами 2310 тани ташкил қилади. Улар бу ердаги сўнги палеолит даври комплексидан ўзининг сақланиш даражасига кўра

фарқ қилади. Қуйидаги жадвалда М.Р. Қосимовнинг илмий ишларидан фойдаланилган ҳолда ушбу комплекснинг тип-варақаси келтирилган:

Жадвал №1. Қопчиғой устахонасининг мустье даври комплекси тош буюмлари

№	Буюмларнинг номи	Сони	%
1.	Нуклеуслар:	323 та	14 %
А.	Гардишсимон нуклеуслар ва уларнинг тановорлари	102 та	31,6 %
Б.	Тўртбурчаксимон неуклеуслар	36 та	11,1 %
В.	Тухумсимон шаклли нуклеуслар	11 та	3,4 %
Г.	Қўпол призматик нуклеуслар	174 та	53,9 %
Д.	Нуклеуссимон бўлақлар	95 та	4,11 %
Е.	Нуклеусларнинг зарб майдонларидан синдириб олинган йўнилғилар	2 та	0,09 %
	Тош қуроллар:	375 та	16,23 %
2.	Митти қўл чўқморлари	4 та	1 %
3.	Қўпол чопқувчи қуроллар	15 та	4 %
4.	Пайконлар ва уларнинг тановорлари	44 та	11,74 %
5.	Қирғичлар ва уларнинг тановорлари	53 та	14,2 %
6.	Тош бигизлар	3 та	0,8 %
7.	Кесгичлар	8 та	2,13 %
8.	Ретушланган пластиналар	90 та	24 %
9.	Ретушланган учириндилар	158 та	42,13 %
10.	Ушатғичлар	2 та	0,09 %
11.	Ретушланмаган пластиналар	84 та	3,63 %
12.	Ретушланмаган учириндилар	1243 та	53,8 %
13.	Тош парчалар	41 та	1,77 %
14.	Тош синиқлари	145 та	6,28 %
	Жами:	2310 та	100 %

Жадвалда келтирилган тош буюмларни қуйидаги техник элементларга ажратиш мумкин:

Мустье леваллуа: 149 та учириндилар олишга мўлжалланган тошбақасимон леваллуа нуклеус (уларга тухумсимон, тўртбурчак ўзаклар ва уларнинг тановорлари киритилди, негаки, фикримизча ушбу типлардаги тайёр нуклеусларнинг барчаси леваллуа типидадир). Бу нуклеуслар тўпламдаги барча ўзакларнинг 46,13 % ни ташкил қилади.

Сўнгги мустье: ушбу гуруҳга 174 та (барча нуклеусларнинг 53,86 % ни ташкил қилади) қўпол призматик ўзаклар киритилди.

Тишсимон мустье: бу ҳақда тўпламдаги ретушланган буюмларнинг барчаси тўлиқ типологик таҳлил қилинганидан сўнггина аниқ фикр айтиш мумкин. Аммо, тадиқотчилар томонидан Қопчиғойдаги ретушли буюмларнинг фақат айримларигина типологик жиҳатдан ўрганилган ва тўлиқ статистика қилинмаган. Шу сабабли, фақат айрим классификация қилинган предметларга ва чизмаларга кўра, баъзи хулосаларни айтиш мумкин, холос. Муаллифларнинг нашр қилинган асарларидаги маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Қопчиғойнинг мустье даври комплексиясидаги ретушланган буюмлар орасида тишсимон типидегилар кўпчиликни ташкил қилади [2]. Шунингдек, ёдгорликнинг мустье даври тўпламида ординар, юпқалаштирувчи, ўткирлаштирувчи, ўтмаслаштирувчи ҳамда микроретушлар ҳам учрайди. Аммо, чизмаларга кўра, бу ерда тишсимон ретуш катта ўринни эгаллайди.

Сўнгги палеолит: юқорида таъкидлаганимиздек, тўплам нуклеусларининг катта қисмини қўпол призматик ўзаклар эгаллайди. Аммо, расмларда келтирилишича, тўпламда

такомиллашган призматик нуклеуслардан чакмоқлаб олинган тўғри елкали пичоқсимон пластиналар ҳам кўзга ташланади [2]. Тўпламда мустьенинг охири ҳамда сўнгги палеолит даврининг бошлари учун хос бўлган бир қатор элементлар ҳам учрайди. Улар қаторига тўпламдаги оддий, бурчакли ва ретушланган учириндиларнинг қирраларида шакллантирилган кесгич қуроллар серияларини, қирраларидан бири ўтмаслаштирувчи, иккинчиси эса ўткирлаштирувчи микроретушлар ёрдамида ишлов берилган пичоқ-пластиналарни ва айрим пичоқсимон ва тўғри елкали пластиналарни киритиш мумкин.

М. Р. Қосимов таъкидлаганидек, Қопчиғойнинг мустьега оид тўпламида тошларни чакмоқлаш техникасидаги архаик элементларнинг сўнгги палеолитга хос прогрессив элементлари билан ҳамоҳангдир. Бироқ, уларнинг сақланиш даражаси, яъни ташқи патинаси бу буюмларнинг синхронлигини кўрсатади. Буни ўз вақтида А.П. Окладников ва М.Р. Қосимовлар ҳам таъкидлаб ўтишган [6]. Аммо, ушбу тўпламни мутахассислар фақатгина мустье даврига оидлигини айтганлар, холос. Бироқ, у мустьенинг қайси босқичига тегишлилиги эътироф этилмаган. Қопчиғойнинг асосий тадқиқотчиси бўлган М.Р. Қосимов ўз асарларида ушбу тўпламни гоҳ мустьенинг бошлари, гоҳ шу даврнинг охирлари билан саналашга мойиллик билдирган. Унинг таъкидлашича : “тўпламдаги йўнилғиларнинг архаик кўринишга эгаллиги бир томондан ашель даври анъаналари сақланиб қолганлигини кўрсатса (яъни тўпламни илк мустье даври билан саналашга ундаса), тўпламдаги прогрессив элементларнинг мавжудлиги уни мустьенинг охирлари билан саналаш мумкинлигини кўрсатади [6]. Шу жойнинг ўзида М.Р. Қосимов тўпламдаги архаик элементлар бу ердаги тошларни чакмоқлашга тайёрлаш, уларни текислаш ва қулай ҳолатга келтириб олиш учун амалга оширилган буюмларга хос бўлиб, белгиловчи аҳамиятга эга бўлмадлиги ҳам мумкин, деган. Аммо, муаллиф ишонч билан Қопчиғойнинг мустье даври комплексини унинг финал босқичига оид деб айта олмаган.

Маълумки, ибтидоий усталар устахоналарга, яъни сифатли хом-ашё конларига келишиб, ўзлари учун зарур бўлган тош бўлақларини синдириб олиб кетиш мақсадида ташриф буюрганлар. Демак, ибтидоий жамоадаги маълум бир гуруҳнинг маълум бир вақтдаги ҳаёти ушбу устахоналарда меҳнат қилиш билан кечган. Бу жойларга ибтидоий усталар кунлик ёки қисқа муддатга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлари билан олиб келганлар. Ана шу ўртача истеъмол талабларини қондириш мақсадида тошларга иккиламчи ишлов беришиб, кам сонли қуролларни ҳам ясаганлар. Баъзан улар қўлга киритилган тайёр ёки ярим тайёр хом-ашёни ўз маконларига ташиб олиб бориш учун кўпчилик бўлиб ҳам ташриф буюришганлар.

Гап шундаки, устахоналарда ибтидоий кундалик ҳаёт учун керакли нарсаларнинг миқдори улар яшаган маконлардагига нисбатан анча паст бўлган. Негаки, тош даврининг моҳир сангтарош усталари баъзан ўзига керакли бўлган ягона тош қуролни яшаш учун бир неча ўнлаб тош бўлақларини чиқитга чиқариб юборганлар. Айнан, ўша кераксиз ёки чиқит учириндиларини ёхуд тош парчаларини синдириб олиш учун ибтидоий усталарга ўз даврининг ёки ўзи тегишли бўлган маданиятнинг такомиллашган техник услубларини кўрсатиши ёки қўллаши талаб қилинмаган ва бунга устанинг вақти ҳам бўлмаган. Шунинг учун тошга ишлов бериш устахоналарида турли босқичда ёки турли даражада ишлов берилган тош буюмларни кўплаб учратиш мумкин. Бир-икки синдириб, ёки устага керак бўлмаган тош бўлагини эҳтиётсиз уриб синдирганлари мутахассисга архаик элементдек кўриниши табиий ҳолдир.

Тошга ишлов бериш устахоналарини замонавий услублар ёрдамида ўрганишда, уларни санасини белгилашда хатога йўл қўймаслик учун бу жойлардан усталар ташлаб кетган чиқитларни эмас, балки баъзи сабабларга кўра (синиб қолган ёки тушиб қолган бўлиши мумкин) прогрессив техник элементларни қидирмоқ лозимдир.

Қопчиғой устахонаси материалларининг **маданий хослиги** масаласи янада мунозорали ва деярли ишланмаган муаммолардан биридир. Бу ердаги айрим алоҳида олинган материалларни тадқиқотчилар Фарғона водийсидаги Аирибаз, Қалъача, Карамқўл, Сўх ва Қайроққум топилмажойлари (Хўжа Ягона, Хўжа-Фор ва х.к.) буюмларидан тортиб [8],

Қоратов устахоналари материалларига, Тошкент воҳасидаги Хўжакент, Обирахмат [5], Чирчиқ ҳавзаси топилмажойларида ҳамда Жанубий Қозоғистондаги илк палеолит даврига оид топилмажойлар ва устахоналарнинг мустье даврига оид комплексларидаги буюмлар билан ҳам қиёслаганлар [1]. Бундан ташқари, Қопчиғойнинг тош буюмлари Қримдан Мўғилистонга [9] ва ҳатто, Яқин ҳамда Ўрта Шарққача бўлган ёдгорликлар материаллари билан аналогия қилинган [10]. Ушбу кенг аналогиялар орасида Қопчиғойнинг мустье комплекси материалларини Тошкент воҳаси ёдгорликлари тош буюмлари билан қиёслаш ҳақиқатга яқинроқдир.

4. Хулосалар:

Қопчиғой устахонасининг мустье даври комплексида асосан леваллуа типидagi учириндилар ҳамда қўпол ва баъзан пичоксимон пластиналар чакмоқлаш амалга оширилган. Устахонанинг чакмоқлаш техникасида нафақат вертикал, балки воситачи орқали чакмоқлаш техникаси ҳам мавжуд бўлган. Тўпلامда пайконлар учрамайди. Бироқ, айрим тишсимон ретушли кирғичлар мавжуд. Уларнинг айримлари конвергент дежете типига хосдир. Қопчиғой устахонасининг мустье даври комплексини устозларимиз таъкидлаганларидек, айнан ўрта палеолит даври билан, аммо, шу даврнинг охирлари ёки финал босқичлари билан саналаш учун асослар етарлидир. Маданий жиҳатдан эса, Қопчиғой индустриясининг мустье даври комплекси Оҳангарон водийсидаги ёдгорликлар, хусусан, Жарсой топилмажойи билан бир хил бўлиши мумкин.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Алпысбаев Х.А. Нижнепалеолитическое местонахождение в Малом Каратау //Вестник АН КазССР. 1959. Вып. 2. С.70-75.
2. Касымов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. Изд-во «ФАН», Ташкент. 1972. С. 28-35. Табл. I-VIII. С. 133-140.
3. Конопля П.Т. Следы людей древнекаменного века в Южной Фергане //Ферганская правда. 23 марта, 1958 г. С. 3
4. Литвинский Б.А., Окладников А.П., Ранов В. А. Древности Кайраккумов. Душанбе. 1962. С. 4-39.
5. Насреддинов Х.Р. Грот Обирахмат //ИМКУ, вып. 5. Ташкент. Изд-во «ФАН». 1964. С. 21-27.
6. Окладников А.П., Касымов М.Р., Конопля П.Т. Капчигайская палеолитическая мастерская //ИМКУ, вып. 5. Ташкент. Изд-во АН РУз. 1964. С. 5-11.
7. Окладников А.П. Работы палеолитического отряда в 1958 г. //Предварительное сообщение, ИАН УзССР, СОИ, Ташкент. 1958. №4. С. 55
8. Окладников А.П. Исследование памятников каменного века Таджикистана. //МИА, 66. М.-Л.: 1968. С. 59
9. Окладников А.П. Палеолит Монголии. //Доклад на расширенном заседании сектора палеолита ЛОИА АН СССР. 22-28 февраля, 1965 г. С. 34
10. Garrod D. The paleolithic of southern Kurdistan. Bull. Of the American school of prehistoric research, 6. 1930. P. 142
11. Ergashev O, Vaxronov A. New classification of knapping workshops of the central Asoan stone age -Jurnal of critical Reviews ISSN- 2394-5125. VOL 7, ISSUE 7, 2020. P.1473-1476
12. Окладников А.П. Палеолит Монголии. //Доклад на расширенном заседании сектора палеолита ЛОИА АН СССР. 22-28 февраля, 1965 г.
13. Garrod D. The paleolithic of southern Kurdistan. Bull. Of the American school of prehistoric research, 6. 1930.
14. Ergashev O, Vaxronov A. New classification of knapping workshops of the central Asoan stone age -Jurnal of critical Reviews ISSN- 2394-5125. VOL 7, ISSUE 7, 2020. P.1473-1476



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000